*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

12 май 1972 йил, жума ◆ № 110 (15.281). ◆ Баҳоси 2 тийин.

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

* Ғўзаларни кун сайин яшнатинг
* Культивация сифатли бўлсин.
* Яганани ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга
* Биринчи сувга пухта тараддуд кўринг
* *Бегона ўтнинг кўпайишига йўл қўйманг*

## ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг Мамажон Фозилов бошлиқ бригадаси механизаторлари 90 гектар майдонга энг яхши агротехника муддатида чигит эккан эдилар. Нихоллар бир текис кўкариб чиқди ва барқ уриб ўсмоқда. Механизаторлар ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Ҳар куни 10-12 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов берилмоқда. Механизатор Хўжамбой Эгамов кунлик топшириқни икки ҳиссага етказиб адо этмоқда. Хафиза Полвонова, Турсуной Фозилова, Муборак Орипова каби меҳнатсевар қизлар айниқса фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бригада пахта майдонларида бегона ўт бутунлай йўқотилди. Ҳар гектар ер ҳисобига 100 минг туп атрофида ўсимлик қолдирилди. Яна 3-4 кундан кейин биринчи комплекс парвариш тугалланади. Бригада аъзолари гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганлар.

## ҚИРҚИМ АВЖИДА

Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозида жун қиркими тезкорлик билан давом эттирилмоқда. Алишер Мухамедов отряндаги 592 бош қўйнинг ҳар биридан биринчи қиркимда 2 килограмм 600 граммдан жун олинди. Абдумалик Абдукаримов боғчилик қилаётган чорвадорлар ҳар бош қўйдан 3 килограммга етказиб жун олиш ичун курашмоқдалар.

Шу кунгача совхознинг фақат 2-бўлимида 6711 килограмм юқори сифатли жун тайёрланди. Чорвадорлар жун қиркимнин 10 кунда тугаллашга сўз бердилар. Райондаги 1-«Оҳангарон», «Октябрь», 3-«Оҳангарон» совхозларида ҳам жун қиркимн тезкорлик билан олиб борилмоқда.

## КУНИГА ИККИ НОРМА

Яккабоғ районидаги Калинин номли колхознинг Э. Саодатова бошлиқ бригадаси аъзолари ғўза парваришида бир кунда икки кунлик ишни бажаришмоқда. Ю. Очилов, Э. Саодатов каби механизаторларнинг ҳар бири нормадаги 3 гектар ўрнига 6 гектар майдонда культивация ўтказмоқда. Культивация пайтида ғўзалар эгатнинг икки ёнидан озиқлантирилиб кетилаётир. Бригаданинг 90 гектар майдондаги ғўзалари дуркин ўсмоқда. Колхозчи-механизаторлар биринчи комплекс парваришни тез кунда тугаллаш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Алибек Раззоқов — Пайариқ районидаги «Москва» колхозининг моҳир механизатори. У Худойберди Ҳожиев бошлиқ бригадада 84 гектар ерга чигитни сифатли экиб, айни пеллада ғўза ниҳолларига икки томонлама ишлов беряпти. Суратда Алибек Раззоқов ўз универсали ёнида. К. Турсунов фотоси.

## БЕДА ҒАРАМЛАРИ

Қоракўл районн марказидан ўтишингиз биланоқ, «Москва» колхозининг кўм-кўк далалари кўзга ташланади. Бир томонда ғўзалар барқ уриб ўсиб, кунда бир яшнаётган бўлса, иккинчи томонда — бедазорлар шамолда чайқалади. «Кир-1,5» агрегатлари вазмин ўрмалайди, беда бир йўла ўриб, майдалаб кетади. Трактор тележкалари эса эндигина ўрилиб, майдаланган беда ортиб, қуритиш жойига шошилишади. Бағри кенг, серқуёш қирда беда қуритилади. Ҳа демай биринчи ғарам кўкка бўй чўзади. Колхоз чорваси озуқасининг замини, базаси — шу ерда!

— Куни кеча бедага ўроқ тушди, — дейди колхоз раиси, тажрибали деҳқон Саид ака Ганиев, — 327 гектар майдонда бедазоримиз бор. Шундан 227 гектари эски бедапоялар. Баҳор серёғин келганлиги туфайли экинни бир марта суғордик. Беда қалин ва бўйчан бўлиб ўсди. Еппасига гулга киргач, пастки танасидан тагин шохлай бошлади. Демак, ўримга киришиш керак эди. Шундай қилдик ҳам. Беда ўриш ва қуритишни биринчилар қаторида бошлаб юбордик. Бу ишда «Кир-1,5» агрегатларидан тўртаси ва тўртта сенокосилка қатнашяпти.

Раис айтганича бор. Чорвамоллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган «Москва» колхози азаматлари етиштирилган мўл беда ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш учун мусобақани кучайтириб юборишди. Баҳриддин Сувонов бошчилик қилаётган ем-хашак жамғариш бригадасига 50 киши биркитиб қўйилди. Механизаторлардан Ҳолмурод Ганжиев ва Искандар Омонов ўртоқлар беда ўримида кунлик топшириқни бир ярим ҳисса ошириб адо этишяпти.

Бу йил беданн олти марта ўриб олиш мўлжалланмоқда. Эски бедазорларнинг ҳар гектаридан 150 центнердан пичан тайёрлаш кўзда тутилган. Янги бедазорларнинг эса гектаридан 50 центнердан пичан йиғиштириб олинади. Бу озуқа хўжаликдаги 10 минг бош қўй, 700 бош қорамолга қишга етиб ортади. Чорвадорлар бу билан қаноатланиб қолмасдан, бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак тайёрлашга бел боғладилар.

В. Темуров фотоси.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сизларни — республика «Билим» жамияти VII съезди делегатларини ва сизлар орқали жамиятнинг партия ғояларини омма орасида ёйишда пропаганда қилаётган барча аъзоларини — фан, маданият, маориф арбобларини, халқ хўжалиги мутахассисларини, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини қизғин табриклайди.

Республика «Билим» жамиятининг VII съезди тарихий даврда — КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, улуғ байрам — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги мисли кўрилмаган даражада юксалган бир вазиятда ўтмоқда.

«Билим» жамияти коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, партиянинг олиб бораётган идеология ишида катта ўринни эгаллайди. Жамият сиёсий ва илмий билимларни меҳнаткашлар ўртасига ёйишда, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда, совет меҳнатчисининг маданий савиясини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Республика «Билим» жамияти VI съездидан кейин ўтган даврда мобайнида сон жиҳатдан ўсди, коммунистик идеалларни пропаганда қилиш, партия ва совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатини тушунтириб бериш, республика меҳнаткашларининг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантириш йўлида катта иш олиб борди.

Партиянинг XXIV съезди омма орасида олиб борилаётган барча ғоявий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Шу вазифаларни ҳал этишда «Билим» жамиятининг аҳамияти ғоят каттадир.

Марксизм-ленинизмнинг барҳаёт ғояларини тинмай омма орасига ёйиш, коммунистик ғоявий эътиқоднинг бутун кучини оммага тўла-тўкис бахш этиш — жамият барча аъзоларининг бурчидир. Меҳнаткашларнинг маданий савиясини, билимини, ижтимоий онглилигини, маънавий етуклигини ҳамма чоралар билан ошириш учун қунт билан курашиш, уларнинг ижодий кучларини Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм йўлида янги-янги муваффақиятларга сафарбар этиш керак.

Пропаганданинг хилма-хил формаларидан тобора самаралироқ фойдаланиш, лекция пропагандасининг янги формаларини қидириб топиш, унинг сифатини тинмай ошириш учун курашиш лозим.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик муносабати билан ҳозирги вақтда ленинча миллий сиёсат муваффақиятларини кенг пропаганда қилишни, меҳнаткашларни социалистик интернационализм юксак принциплари руҳида, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва қардошлиги руҳида, бизга ёт буржуа идеологиясига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашни кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти VII съезди ишларига муваффақият тилайди ва шунга қатъий ишонч билдиради, жамиятнинг барча аъзолари, республиканинг барча зиёлилари республика меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ва илмий билимларни хўжалик ва маданий қурилиш практикаси билан мустаҳкам боғланган ҳолда пропаганда қилишни янада кенгайтиради, бундан кейин ҳам фидокорона меҳнат қилади ва мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашдан иборат улуғ ишга садоқат билан хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

## БИЛИМ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон «Билим» жамияти аъзоларининг саксон минг кишилик отряди кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш ишига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ана шу оммавий кўнгилли ташкилотнинг вакиллари 11 май куни Тошкентда бўлиб ўтган жамиятнинг VII республика съездида ўзларининг навбатдаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиум делегатларнинг гулдурос қарсаклари остида сайланди.

Съездда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга йўллаган табрикономасини ўқиб эшиттирди.

Жамият правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов ўзининг ҳисобот докладида жамиятнинг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистон «Билим» жамияти сафларида тўрт мингдан ортиқ бошланғич ташкилот бор. Партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари бўлмиш ана шу актив пропагандистлар отрядининг чорак қисми шундан аввалги республика съездидан кейин ўтган олти йил ичида вужудга келди. Бу ташкилот аъзоларининг ярмидан кўпроғи коммунистлардир. Ҳар куни жамиятнинг лекторлик минбарига салкам икки мингдан ортиқ олим, мутахассис ва ишлаб чиқариш новатори чиқиб лекция ўқимоқда. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини пропаганда қилиш, СССР босиб ўтган 50 йиллик йўлни тасвирлаб бериш — ана шу лекцияларнинг энг асосий мавзуларидир. Халқ университетлари ва жамият лекторийлари катта иш олиб бормоқда. Билимларнинг турли соҳаларига бағишланган, социалистик Ўзбекистоннинг равнақини, халқларнинг ленинча дўстлигини тараннум қилувчи брошюралар туркуми босилиб чиқди.

Ҳисобот докладини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон «Билим» жамияти ташкилотининг раиси И. Қ. Косимбетов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов, Туркманистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Р. Қораев, Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Шермуҳамедов, Денов район партия комитетининг секретари М. Б. Ахмедова, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Н. О. Шчукин, Тошкент политехника институти фалсафа кафедрасининг мудири А. О. Ортиқов, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг секретари Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Г. Абдурахмонов, Фарғона область партия комитетининг секретари А. Маҳмудовлар қатнашдилар.

Съездда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати Ю. К. Фишевский нутқ сўзлади.

Қабул қилинган резолюцияда съезд меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини пропаганда қилишни кучайтириш соҳасида бундан бўён қилинадиган ишларнинг катта программасини белгилади.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг правлениеси ва ревизия комиссияси сайланди.

Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табриконма йўлладилар.

Съезд Ҳинди-Хитой халқларининг Америка агрессиясига қарши ва Араб Шарқи халқларининг Исроил агрессиясига қарши ҳақконий курашини қўллаб-қувватлаган баёнот қабул қилди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашди. (ЎзТАГ).

## ПИЛЛАКОРЛАР АҲДИ

Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз йирик пилакор хўжалик ҳисобланади. Пилакорлар бу йил қурт боқишни айниқса ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан бошладилар. Ҳар қути уруғдан 80-100 килограммдан пилла олиш учун курашаётган Сотиволди Кенжабоев бошлиқ звенога қарашли пилла қурти кичик уйқудан уйғонди. Ҳамидахон Пўлатова бошлиқ звенонинг пилла қурти ҳам кун сайин яхши ўсялти.

Марофатхон Султонова, Тиловатхон Ҳабибуллаева, Лаълихон Мирзаевалар бошлиқ звеноларнинг пилла қурти эрта-ндин катта ёшга ўтади.

О. САФОХОНОВ.

## ЎРТОҚ Л. СВОБОДА СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Людвик Свобода дам олиш учун 10 майда Совет Иттифоқига келди.

Внуково аэродромида Л. Свободани СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР халқ контроли комитети раиси Г. И. Воронов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Польша Халқ Республикаси Сейми таклифига биноан 11 майда расмий дўстона визит билан Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Делегацияни Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

## СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Қўшма Штатлар ҳукумати Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларини яна кенгайтиришини эълон қилди. Бу агрессив ҳаракатлар Жанубий-шарқий Осиёдаги вазиятни янада мураккаблаштириб юборади ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлик учун жиддий оқибатларга сабаб бўлади.

АҚШ президенти шу йил 8 майда қилган баёнотида Шимолий Вьетнам портларига кемалар киришига ҳалақит бериш учун портларга кираверишни йўлларини миналаштириш тўғрисида, ВДР территориясини бомбардимон қилишни кучайтириш тўғрисида, жумладан, темир йўллар ва бошқа коммуникацияларга ҳаводан зарба бериш ҳақида фармойиш берганлигини маълум қилди. Шундай қилиб, АҚШ ВДРнинг бошқа давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий, савдо-сотиқ ва бошқа хил алоқаларини узишга, Вьетнам Демократик Республикасини ўз мамлакати халқи учун, Америка агрессиясини даф қилмоқ учун ёрдамдан, шунингдек тинч аҳолини таъминламоқ учун озиқ-овқат ва бошқа моллари олиб ториш имкониятидан маҳрум қилишга уринмоқда.

Вьетнамдаги Америка қуролли кучларининг авантюристик ҳатти-ҳаракатлари қанчалик сохта баҳоналар билан ниқобланмасин, бу ҳаракатлардан кўзда тутилган ҳақиқий мақсад равшандир. Бу ерда гап АҚШни «хўрланишдан қутқариш» тўғрисида эмас балки очиқдан-очиқ барбод бўлаётган манфур «вьетнамлаштириш» сиёсатини қутқариш тўғрисида бораётир. Бу ерда гап вьетнамликлар ўз ишларини музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этиш имкониятига эга бўлишлари тўғрисида эмас, балки Сайгондаги халққа қарши қўғирчоқ режимни Америка ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани тўғрисида бораётир.

ВДР территориясини бомбардимон қилишнинг кучайтирилиши ва Вашингтон халқаро денгиз қатнови хусусида ўзбошимчалик билан ўз тартибларини ўрнатишга уринаётганлиги каҳр-ғазабга келтирмаслиги ва қаттиқ қораланмаслиги мумкин эмас. Бу ҳатти-ҳаракатлар Қўшма Штатлар Вьетнам халқига қарши бошлаган ва кўп йиллардан бери давом эттираётган урушнинг қароқчилик табиатини бутун дунё олдида яна бир бор намойиш қилмоқда. Қилинган бир агрессив ҳаракат кетидан иккинчи, янада хавфлироқ ҳаракатни келтириб чиқармоқда. Аввалги ваҳшиёна ҳаракатлар ва жиноятларга янгиси, янада оғирроғи қўшилмоқда. Мана шуларнинг оқибатида уруш кўпгина мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларига тобора кўпроқ даражада таалуқли туса кириб бормоқда.

ВДР портларига келавериш йўлларининг миналаштирилиши, ВДРнинг территориал ва ички сувларига чет эл кемаларн киришига тўсқинлик қилиш ҳаракатлари ВДР аҳолисига юк ташиётган кўпгина давлатларнинг кемалари ва денгизчиларининг ҳаётига бевосита хавф тўғдиради. Очиқ денгизда кемалар қатнови эркинлигидан бирон давлатни чеклаш учун АҚШга ҳеч ким ҳуқуқ берган эмас. АҚШ кўраётган чоралар ҳамма тан олган кемалар қатнови эркинлиги принципини қўпол равишда бузишдан иборатдир. Ҳолбуки, мана шу принципни мустаҳкамловчи денгиз ҳуқуқига доир 1958 йилги Женева конвенциялари остида бошқалар билан бир қаторда Америка Қўшма Штатларининг ҳам имзоси турибди.

Совет Иттифоқида АҚШнинг кемалар қатнови эркинлигига ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси соҳиллари ёнида қатнаётган совет кемалари ва бошқа кемалар хавфсизлигига таҳдид этувчи ҳаракатларини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатлар деб қарамоқда. Совет Иттифоқи бундан тегишли хулосалар чиқариб олади. Ўзининг қонунга хилоф ҳаракатлари келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар учун бутун масъулият Қўшма Штатлар ҳукумати зиммасига тушади.

АҚШ Женева конвенциясини бузиш билан халқаро ҳуқуқнинг асосий талабларидан бири — давлатлар халқаро шартномаларга биноан ўз зиммаларига олган мажбуриятларга риоя қилишлари кераклигини назар-писанд этмаётганлигини намойиш қилмоқда. Бу хавфли ва тайғоқ йўлдир. Бу ҳол халқаро вазиятни яна мураккаблаштириб юбориши ва халқаро муносабатларда қонунсизликка олиб келиши мумкин, холос. Ҳўш, бир қанча давлатларнинг қонуний манфаатлари ва гражданларининг хавфсизлигига таҳдид қилувчи АҚШнинг мана шу бир томонлама хатти-ҳаракатига жавобан шу давлатлар ҳам ҳозир АҚШ Вьетнамда тутаётганн сингари йўл тутгудек бўлса, бу ҳол нимага олиб келган бўлур эди?

Агрессив ҳаракатларни яна авж олдириш йўли билан Ҳинди—Хитой проблемаларини ҳал этиб бўлмайди, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган вьетнам халқининг ҳоҳиш иродасини синдириб бўлмайди. Ҳозир АҚШ кўраётган хатти-ҳаракатлар можарони чўзиш, ҳунрезликни давом эттиришгагина олиб келиши мумкин, холос. Булар эса янги-янги қурбон ва вайроналиклар келтириши муқаррар.

Вьетнам проблемасини ҳал этиш борасидаги бирдан-бир реал йўл вьетнам халқининг четдан ҳеч қандай аралашувисиз ва тазйиқисиз ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини ҳурмат қилишдан иборатдир. АҚШ чиндан ҳам шунга тайёр бўлса, у Париждаги музокаралар даврасига қайтмоги керак.

Совет ҳукумати Қўшма Штатларнинг Вьетнам Демократик Республикаси соҳилларини қамал қилиш ва қуруқликдаги коммуникацияларини бузиш борасида қўйган қадамларининг дарҳол бекор қилинишини, АҚШнинг ВДРга қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини, халқаро кемалар қатнови ва савдо-сотиқ эркинлиги ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини қатъиян талаб этади. Совет ҳукумати барча тинчликсевар давлатларнинг ҳукуматлари ва халқлари мана шу иуқтаи назарга кўпилишади, деб ишонч билдиради.

Социалистик интернационализм принципларига содиқ совет халқи қаҳрамон вьетнам халқининг кураши билан бирдамдир, совет халқи вьетнам халқига зарур мадад бериб келди ва бундан кейин ҳам шундай қилаверади.

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган Канада Компартияси актив хотин-қизлари делегацияси Тошкентга келди. Делегация составида партия ходимлари, компартия вилоят комитетларининг аъзолари бор. Делегацияга Канада Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Бланш Желино бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар 11 майда, республикада бўлган биринчи кунларида В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалига боришди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди.

Делегация Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республика ҳаёти билан танишади.

* * *

Куба Республикаси маданият миллий кенгашининг Раиси Лунс Павон Тамайо бошчилигидаги шу кенгаш делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан таниша бошлади.

Кубалик меҳмонлар 11 майда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида бордилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, Тошкент консерваторияси фаолияти билан қизиқдилар. (ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди. Жамият правлениесининг президиуми сайланди. Правление раиси қилиб республика Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов, правление раисининг биринчи ўринбосари қилиб-тарих фанлари доктори Қ. Ф. Фозилхўжаев, ўринбосари қилиб—И. В. Володин, илмий секретари қилиб—Л. М. Транис сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари В. П. Шчеглов, В. Қ. Қобулов, Д. К. Саидов, профессор А. О. Ортиқов жамоатчилик асосида жамият правлениеси раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар. (ЎзТАГ).

Узбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институти тадқиқотнинг физик методлари лабораторияси янги прибор — микроанализатор билан жиҳозланди. Франциядан олинган бу ноёб асбоб минералларнинг составини тез аниқлаш имкониятини беради. Суратда: физика-математика фанлари кандидати Г. М. Сташков ва аспирант Ю. А. Волйовлар иш устида. И. Глауберзон фотоси.

## АШУЛА БАЙРАМИГА

Маълумки, шу йил сентябрда Тошкентда республика ашула байрами ўтказилади ва у анъанавий бўлиб қолади. Бу йилги ашула байрами СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланади. Тез орада район ва шаҳар ашула байрамлари бошланади. Буларнинг энг яхши қатнашчилари область кўрикларида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Кузда ҳар бир областдан 2-3 хор коллективи Тошкентга келади. Программага биноан булар орасида албатта болалар хори ҳам бўлмоғи лозим.

Республика қўшиқ байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилот комитетининг қарорига биноан унинг штаби тузилди. Постановка группасига СССР халқ артисти М. Ашрафий бошчилик қилади.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҲАЁТИДАН

# КАМОЛОТ МАКТАБИ

Кейинги йилларда районимиз хўжаликлари иқтисодий бақувват, ҳар томонлама юксалган хўжаликларга айланди. Район партия комитети меҳнаткашларни, янги ерлар очаётган чўлқуварларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни партиямиз XXIV съезди материаллари, иқтисодий билимлар билан янада чуқурроқ қуроллантиришга, турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, муваффақиятли амалга оширмоқда. Ана шу муҳим тадбирлардан бири—халқ университетлари ишини янада яхшилашдан иборатдир.

Ҳозир районимизда ишлаб чиқариш, техника тараққиёти, партия XXIV съезди материаллари пропагандаси, халқлар дўстлиги ва бошқа ўнта соҳа бўйича 18 жойда халқ университети, 6 жойда турли хил лекторийлар ишлаб турибди. Халқ университетларига колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, мутахассислар, зиёлилар кенг жалб этилган бўлиб, тингловчилар сони 4200 кишидан ошиб кетди. Лекторийларда эса 560 киши ўз билимини оширмоқда.

Барча партия ташкилотлари халқ университетларида машғулотларнинг мунтазам ва мазмунли ўтишини таъминлаш, тингловчиларда қишлоқ хўжалиги, халқлар дўстлиги ва турмуш маданияти каби муҳим соҳаларда тушунча ҳосил қилиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Энг аввало, халқ университетлари ўқитувчилар состави энг яхши партия, совет ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, педагоглар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан танланди. Халқ дорилфунунларининг ректорлари, ўқитувчилари, ўқув планлари коммунистларнинг умумий йиғилишларида тасдиқланмоқда. Бу эса, ўқитувчиларда ва тингловчиларда катта партиявий масъулият уйғотмоқда.

Район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳузурида ташкил этилган қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилиш халқ университетининг машғулотлари, айниқса, қизиқарли ўтмоқда. Бу университетга колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, хўжаликларнинг барча мутахассислари, иқтисодчилар, сув хўжалиги ходимлари (22 киши) қатнашадилар.

Халқ университетларининг ўқув планлари ва программалари район газетаси саҳифаларида, алоҳида плакат ёки китобча ҳолида нашр этилмоқда. Бу тадбир кенг меҳнаткашлар оммасини халқ университетларига жалб этишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлаётир. Масалан, Карл Маркс номли колхозда бундан уч йил аввал турмуш маданияти университети очилган эди. Ҳозир университетнинг 150 тингловчиси бор. Булар асосан колхозчи хотин-қизлардан иборат. Даладаги фидокорона меҳнатни халқ университетида ўқиш билан қўшиб олиб бораётган опа-сингилларимизнинг аксарияти биринчиш-тикишни, рўзғор маданиятини, оилада бола тарбиясини яхши ўрганиб олдилар. Университет машғулотлари ҳар ойда икки марта колхоз клубида ўтади.

«Партия XX съезди» колхозида ҳам яқинда турмуш маданияти халқ университетти ташкил этилди. Бу колхозга машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Маннон Жалолов раислик қилади. Университет ташкил этиш учун колхоз партия комитети ва колхоз правленеси катта тайёргарлик кўрди: 1971 йилдаги даромаднинг бир қисми эвазига хўжаликдаги 250 хонадоннинг ҳаммасига шифонер, сервант, кир ювиш машинаси, холодильник, баъзи хонадонларга телевизор, колхозчилар фарзандларига мактаб формаси олиб берилди. Сўнгра университет очилди ва унинг ректори қилиб партком аъзоси Инобатхон Жалилова тасдиқланди.

Бу университетда дастлабки машғулот ниҳоятда қизиқарли ўтди. Колхоз раиси Маннон Жалолов ўзининг кириш сўзида бундай деди:

— Хўжалигимиз — Марказий Фарғонада камол топаётган колхоз. Ўтган йили 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,65 центнердан ҳосил олдик. Шунга мувофиқ даромадимиз кўпайди. Колхозчилар учун 30 та янги уй қурдик, коммунистик қишлоқ барпо қилмоқдамиз. Бир йилнинг ўзида колхозимиз аъзолари янги маркали битта «Волга», 4 та «Москвич», 2 та «Запорожец» автомашиналари, бир неча мотоциклларг сотиб олишди, ҳамма хонадонни маданий қилиб жиҳозладик. Энди турмуш маданияти халқ университетини очсак ярашади. Университет фарзандларимиз тарбиясини яхшилашда, уй бекалари хизматини енгиллаштиришда, чўлқуварлар турмуш маданиятини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Район партия комитети халқ университетида машғулотларнинг мунтазам ва мазмунли олиб борилишига алоҳида эътибор бераётир. Шу мақсадда халқ университетлари ректорлари, ўқитувчилари ҳамда колхоз, совхоз партия комитетлари секретарларининг семинарлари, йиғилишлари план асосида ўтказиб турилади. Халқ университетлари район Совети составига турли соҳа мутахассислари, партия, совет, комсомол раҳбар ходимлари жалб этилган. Олиб борилаётган барча тадбирларимиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилгандир.

**Т. ҚАМЧИЕВ,**
**Андижон область Бўз район партия комитетининг секретари, халқ университетлари район Советининг раиси.**

# ЁШЛАР ЗАВОДГА КЕЛГАНДА...

РЕПОРТАЖ

Шонли революцион ишчилар синфи сафига қўшилиш нақадар фахрли. Чунки, оддий деталь ясашдан тортиб, то коинотни забт этувчи қудратли, мураккаб қурилмали космос кемаларини барпо этишгача бўлган машаққатли ва ифтихорли фаолият шу ишчилар синфи номи билан боғлиқ. Жанговар ишчилар мамлакатимизда коммунизм қуришдек масъулиятли ва улуғвор ишда доимо энг олдинги сафда бормоқдалар. Шунинг учун ҳам ўқишни тугатиб ҳаётга йўлланма олган комсомол-ёшларимиз илғор ишчилар синфи оиласида меҳнат қилишни олижаноб бурч деб биладилар. Яқинда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали биносида В. П. Чкалов номли Тошкент самолётсозлик заводи ёшларини ишчилар синфига қабул қилишга бағишланган тантанали маросимда бўлганимизда бунинг ёрқин ифодасини кўрдик.

Музейнинг ҳашаматли зали — эндигина шоғирдлик муддатини ўтаган комсомол ёшлар, завод ҳузуридаги касб-ҳунар билим юртини тугатганлар, корхона оталигидаги ўрта мактабларни битираётган ўқувчилар, ишчилар, меҳнат ветеранлари ҳамда партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг вакиллари билан лиқ тўлган. Уларнинг меҳнат завқи билан ёнган нигоҳи — фахрий президиум жой олдиган саҳнадаги қўёшдек серёлқин қизил байроққа қадалган. Партия ва ҳукуматимиз заводнинг ватанимиз қудратини оширишдаги, халқ хўжалигини равнақ топтиришдаги хизматларини муносиб тақдирлаган. Корхона байроғида Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари ярқирайди.

СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги шарафига бағишланган «Ишчилар синфига қабул қилиш» маросими очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнлари янграйди. Биринчи бўлиб В. П. Чкалов номли самолётсозлик заводи партия комитети секретарининг ўринбосари В. Гришенкога сўз берилади.

— Завод партия ташкилотининг раҳбар кадрлар ва ишчилар билан ишлашдаги фолияти самарасини етакчи кадрларимизнинг меҳнатда сиёсий активлик кўрсатаётганликлари, корхона манфаатини ўз манфаатларидан устун қўяётганликларидан ҳам билса бўлади, — деди В. Гришенко. — Цех ва участкаларнинг кўпгина бошлиқлари, мастерлар ва жонкуяр ишчилар ўз ташаббуслари билан қолок участкаларга ўтиб ишламоқдалар. Тажрибали ишчиларимиз эса иккитадан ва учтадан ёш ишчиларга касб-ҳунар ўргатиш мажбуриятини олаётирлар.

Самолётсозлик заводи партия ташкилоти ва маъмурияти ёшларни ишчилар синфининг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш борасида амалга ошираётган тадбирлар, республикамиздаги бошқа саноат корхоналари учун ибратлидир. Завод ишчиларининг резерви умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларини битирган йигит-қизлар, ҳарбий хизматни тугатиб қайтган ёшлардир. Партия комитети, кадрлар бўлими, касб-ҳунар ўргатиш кабинети раҳбарлари ёшларга касб-ҳунар ўргатишдаги иш формаларини тағин ҳам такомиллаштирмоқдалар. Завод Тошкентдаги 20 та умумий таълим мактаблари билан доимий алоқа боғлаган. Ҳар бир мактабга биттадан раҳбар ходим биркитилган. У юқори синф ўқувчилари билан мунтазам учрашиб, улар билан заводнинг меҳнат анъаналари, иш шароити, ҳаёти, иш ҳақи тўғрисида суҳбатлар ўтказади. Тошкентдаги олий ўқув юртлари абитуриентлари, Туркистон ва бошқа ҳарбий округлардаги қисмларнинг жангчилари билан ҳам ана шундай ишлар олиб борилади. Бу — ёшларнинг ишчи касбига меҳрини оширади, касб-ҳунар эгаллашга бўлган қизиқишини кучайтиради. Шу тарика корхонада қўним сизлик кескин камаяди.

Минбарга чиққан самолётсозлик заводининг кекса слесари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Икром Акмалов ана шулар ҳақида гапириб берди. У Улуғ Ватан уруши давом этаётган оғир дамларда қатта корхона қандай бунёд этилгани, кунни-кун, тунни-тун демай меҳнат қилиб, заводни кўп машаққатлар эвазига ишга туширибюборишгани ҳақида ҳикоя қилди.

Кекса большевик Николай Романчук ишчилар синфининг меҳрибон устози, улуғ дохий В. И. Ленин билан бўлган учрашув таассурот-хотираларини сўзлаб берди.

Залда меҳнат ҳақида қўшиқ жаранглади. В. Гришенко музика садолари остида ёшларга ишчилик шаҳодатномасини топшириш тантанаси бошланганлигини эълон қилди. Шундан кейин, бир группа ёшлар минбар томон саф тортиб чиқишди. Алвонранг қизил байроқ остида уларга «Ишчилик шаҳодатнома»лари топширилди. 200 га якин ёшлар ишчилар синфи сафига қабул қилинди. Самолётсозлар сафига яна ёшлар қўшилди. Уларга кўплаб қудратли ва мукаммал самолётлар ишлаб чиқаришда оқ йўл тилаймиз.

**Ҳ. ҚОДИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*Коммунистлар ҳақида ҳикоялар*

# ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ

Кеча Николайдан хат олдим. Бир варақ қоғозга ишлари ҳақида ёзибди. Шошилгани билиниб турибди. Ҳарфлари юзига чанг қўнганидан бироз хиралашган. Вагончадан чиқиб ёзганга ўхшайди. Биламан, энди чўлда уйда ўтириб бўлмайди. Одам димиқиб кетади. Устюрт ўзи шунақа, — деган эди бир пайтлари Николай. — Ёзда ҳам ,қишда ҳам чўлнинг қаҳрига чидаш қийин. Қишда бу ернинг совуғи Сибириникидан сира қолишмайди, ёзи тандирдай қизиб кетади. Мисдек қизиган бу чўл бағрида ҳар ким ҳам ишлай олмайди.

**...Устюртда баҳор айни кучга тўлган пайт ҳозир, — деб ёзибди Николай. — Чўл гилам тўшалгандек ранго-ранг бўлиб кетди. Ҳаво илиқ. Ишлаб сира чарчамайсан, киши. Станция ва разъездларга қурилиш материалларини етказишга улгуриб бўлмаяпти. Вагон уйчалар шаҳарчаси ёнида кўркам посёлка қад кўтарди. Энди ростмана уйларда яшаяпмиз. Бу ерларни кўриб таниёлмайсиз. Эсингиздами, мен сўзлаб берган Борса-келмасдаги воқеа. Трассада тупроқ кўтарилаётганди ўшанда. Салкам беш йил ўтибди орадан. Бир эсланг-а...**

Ҳа дўстим, икки ой аввал қилган суҳбатимизни, чўлда ўтган ўша уч кунни сира-сира унутмасам керак. Худди кечагидек ёдимда ўша лойли, ёмғирли кунлар, чўл юзини увада булутлар ўраб, изғирин куз япроғидай титратган ўша кечалар... Устюртнинг қаҳри қаттиқлигини ана ўшанда биринчи бор ҳис қилган эдим.

...Трассага, Устюрт темир йўл қурувчиларининг ҳузурига, из ётқизаётган йигитлар ёнига боргандим. Тонгда шивалай бошлаган ёмғир тушга яқин зўрайди. Кечгача олтмиш-етмиш километрли масофани ўтиб бўлмайдиган ботқоққа айлантирди. Уч кун ўша ерда қолиб кетдим.

Вагон уйчанинг томи майдалаб ёғаётган ёмғирдан бир маромда тиқирлар, трассадан моторларнинг гуриллаган овози элас-элас эшитилар эди. Уйчада уч кишимиз — Николай Бровченко, Геннадий Комаров, Мамедгул Мамед ўғли. Уларнинг ҳаммаси ҳам из ётқизувчилар, сменани тугаллаб ёнимда келишган. Николай сўрида ётганича кафтини иягига тираб худди шу ерда, трассага тупроқ кўтарилаётганда бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қиларди. Қизиқиб қулоқ соламан.

...Ўшанда ҳам сурункасига бир ҳафта ёмғир эзиб ёғганди. Йўллар ботқоқ, юриб бўлмасди. Йигитлар базадан қатнайдиган машинага кўз тутиб сув ва озуқани кам олишган экан. Тезда тоза сув ҳам озуқа ҳам тугай деб қолди. Йигитлар ҳуноб. Николай дамба-дам деразадан ташқарига, увада булутлар сузиб юрган қорамтир осмонга қарарди. Кечки смена вақти ҳам келиб қолди. Кийиниб ташқарига чиқди. Чўл ҳувиллаб ётарди. Андрей бульдозер устига чиқиб, илон изи бўлиб кетган йўлга тикилди. Кафтдек теп-текис чўл кимсасиз эди.

— Лойгарчиликда машина юроллмас-ов ,ер селгишини кутайлик, — деди унга Николай.

— Қачонгача? Машина юрмаса, вертолёт учмаса, от ёки эшак миниб келса ҳам бўларди-ку бирортаси, — Андрей тутоқиб кетди. — Нахотки чўлда бир ҳафта дом-дараксиз қолиб кетганимизни унутишган бўлса!

Николай йигитга бир қараб олдида, индамади.

— Ванянинг билгани-билган экан, э хом сут эмган инсон!—деди Андрей. У «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит», қабилида учирма қилган эди. Бу гапнинг бир учи Николайга ҳам бориб тақаларди. Чунки Қўнғиротга бирга ишга келган дўсти Иван қийинчиликка чидолмай кетиш тараддудига тушиб қолганида Николай Бровченко уни шаштидан қайтаришга ўринган эди. Аммо Иван дўстининг гапини ерда қолдирди. Ҳамма ухлаб ётганида, қоп-қоронғи тунда ҳеч ким билан хайрлашмай...

Трасса томондан бригадир Анатолий Дураков кўринди. У Геннадий Комаровга юзланиб:

— Ишга чиқасанми? — деб сўради.

Геннадий елка кисди.

— Қанақа иш бўлиши мумкин, бундай шароитда, — бирдан гап қотди Андрей.

— Истамасанг чиқмай қўя қол. Ана вагонча, ўтиравер ўша ерда. Чўл сени чўчитиб қўйганга ўхшайди, — деди бригадир.

— Чиқмайман. Шу ёмғирда ишлайман деб кўзим учиб тургани йўқ, — деди-ю, Андрей зарда билан эшикни тарақлатиб ёпди...

Николай жомакори тугмаларини қадади-да, Геннадий билан бирга трассага жўнади. Унинг ортидан яна икки йигит бульдозер ва скреперлар турган тепаликлар томонга йўл олишди.

Бригада ярим йилдан бери шу асов чўл билан олишарди. Жазирама ёз кунларида Қўнғирот яқинида чодир тикиб, темирйўлчилар қанчадан-қанча паст-баландликларда, қум ва чўлларда бўлажак темир йўл учун тупроқ кўтарди. Энг қўрқинчли, қоп-қора ботқоклик — Шўркўл ёнига, эл «Борса—келмас», деб атаган чўлнинг киндигига етиб келишганди. Николай бульдозери моторига газ бериб дўнгликка бурди. Трасса бўйлаб югураётган скреперлар чироғи чўл зулматини тиғдек кесиб, у ён-бу ён сурилар, бункерларини тупроққа тўлдириб юқорига тирмашарди. Николай ва Геннадийларнинг бульдозерлари ҳам пўлат қалқонларини ерга тираб ,тупроқ сура кетди. Машиналарнинг қудратли суронли атрофни ларзага соларди... Николай тонгга яқин сменасини тугатиб, йигитлар билан ётоққа қайтди.

— Пиёда келиб бўладиган жой бўлса ҳам бошқа ган эди-я, — кимнингдир оҳиста гапиргани эшитилди.

— Ҳар қалай қандай қилиб бўлса ҳам базага бориб келиш иложини топиш керак, — Николай кўнглига тугиб қўйган гапларини ўртага ташлади.

— Эсингни едингми? Шу лойда-я? —Кимдир ҳайратланиб деди. — Манавининг ботирлигини қаранг-а!

Аммо Николайнинг гапи йигитларнинг юрагига чўғ солганди. Маслаҳат бир ердан чиқди. Йўл тараддудини кўра бошлашди. Икки бульдозерга ёнилги ортиб, йўлга тушдилар. Йўл юрса ҳам мўл юришди. Тонг отди. Уфқ юзи оқарганида қурилиш-монтаж поезди посёлкаси элас-элас кўринди.

Базада шовкин-сурон авжига чиққан, ҳамма оёққа қалққан эди. Идора олдида тракторларга тиркалган тележкаларга сув тўла бочкалар, озиқ-овқат ортилган эди. Поезд бошлиғининг топшириғи билан уч-тўрт механизатор трассага, ўз ҳамкасблари ёнига отланишаётган экан... Аччиқ-чучук гап сўзлар бўлиб ўтди.

...— Эшди-чи? — сўрадим Николайдан. У ётган ерида бошини кўтардида ,кулиб қўйди. Энди қурилиш поездида аҳвол бутунлай бошқача. Андрейга ўхшаганлар кетиб қолишди. Николай Бровченко ва Анатолий Дураковлар қатори кўпчилик йигитлар касбини ўзгартириб, из ётқизувчи бўлишди. Ҳар куни бир километр ерга пўлат излар қўйилди. Партия ташкилоти Николай ва Анатолийни партия сафига қабул қилди. Улар Устюртга биринчи марта қадам босганларидан бери номи эл оғзига тушган, меҳнатда ва жамоат ишида донг таратган кишилар қаторидан ўрин эгаллашди. Қўнғирот билан Бейнови бир-бирига боғлаган, ҳозир қурилиш поездлари қатнаётган темир йўлларда бу қалби қуёш коммунистларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

**...Ўша кунларни сира-сира унутмайман, — деб ёзганди Николай ўз хатида. — Ҳаммаси бир тарих бўлиб қолди. Чўл бетига битилган ана шу тарихни биз яратдик. Устюрт кафтида изимиз қолди. Чўл белини кесиб ўтган 408 километрли темир йўл, посёлкалар, станциялар бизнинг қўлимиз билан бунёд этилди. Ўрта Осиёни марказий районлар билан боғлайдиган бу йўлдан шу йилнинг ноябрь ойида поездлар қатнай бошлайди. Шунда одамлар вагон ойнасидан лип-лип ўтиб бораётган посёлкаларга қараб, шу ерда ишлаган кишиларга таҳсин айтишади. Шуларни ўйлаб юрагим ғурурга тўлади, фахрланиб кетаман...**

Коммунистнинг бу юрак сўзларида устюртлик барча темир йўл қурувчиларининг, чўлга ҳаёт бошлаб келаётган олижаноб кишиларнинг эзгу ишлари, орзу ва ниятлари мужассамлашган эди...

**Р. ТУРСУНОВ.**

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

## ҚУДРАТИМИЗ—ДЎСТЛИКДА

Социалистик ҳамдўстлик ва ҳамкорликнинг бош ижодкори В. И. Ленининг буюк ғояларини ҳаётга тадбиқ қилиш туфайли Иттифоқимизнинг ҳамма республикалари, шу жумладан Ўрта Осиё республикалари ҳам саноатда, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида улкан ютуқларга эришдилар. Маданият, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифини ривожлантириш борасида катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

«Ўқитувчилар газетаси»нинг Туркманистондаги «Мугаллымлар газети» ва Қирғизистондаги «Мугаллимдер газетасы» билан биргаликда чиққан кечаги махсус қўшма сони улкан ғалабаларимизнинг боиси—қудратли халқлар дўстлигини тараннум этишга бағишланган.

Денгиздек чуқур, чўққидек юксак, булоқдек тиниқ, офтобдек иссиқ дўстлигимиз омон экан, мамлакатимиз халқларининг илмий ва иқтисодий алоқалари кучаяверади, мактаб-маорифимиз бир-бирининг қимматли тажрибаларини тенг баҳам кўраверади! Қўшма сонда ўз материаллари билан қатнашган партия-совет ходимлари, шоир ва педагоглар ана шу буюк дўстлик қудратини мадҳ этганлар.

## ДАХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

### САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Узбекистон ССР Савдо министрлиги умумий овқатланиш корхоналари хизматини яхшилаш, янги савдо биноларини қуришга алоҳида маблағ ажратди. Шу ҳисобдан Нукус ва Олмалиқ шаҳарларида озиқ-овқат маҳсулотлари сақлайдиган холодильник иншоотлари бунёд қилинаётир. Бу йил Учқўрғон, Беруний, Қоғон ва Бағдодда янги колхоз бозорлари қад кўтаради. Тошкент шаҳрида маданий моллар, пойафзал, кийим-кечаклари магазинларга ўз вақтида етказиб берадиган 3 та янги база ишлай бошлайди. Йил охиригача Гулистон шаҳрида тўқимачилик товарлари базаси ишга туширилади.

**Д. ПОЛЕВОЙ.**

### ҲАМКОРЛИК

Бу икки республика ўзаро қўшни, қардош, бир-бирига ҳамиша ҳамкор. Олмаота ремонт-механика заводи кечагина Узбекистонга янги ускуналар жўнатди. Улар гўшт саноати корхоналари ишини яхшилашга ёрдам беради. Олмаотада тайёрланган бундай ускуна ва мосламалардан анчагинаси ҳозирнинг ўзидаёқ Самарқанд, Нукус ва Узбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги гўшт корхоналарида ўрнатилмоқда.

**Г. МАРАЛБОЕВ.**

### ДЎСТЛИК РАМЗИ

Узбекистон области марказида ҳашаматли ўрта мактаб бунёд этилди. Яйпанда қад кўтарган бу мактабни дўстлик мактаби деб аташмоқда. Ун беш миллатнинг мингдан ортиқ фарзанди таълим-тарбия олаётган мактаб биносини тиклашда Тожикистоннинг мусобақадош Исфара области меҳнаткашлари ҳам ҳисса қўшди. Мактаб ўқувчилари қардошлар ўтказган чинорларни меҳр билан парвариш қилаётирлар.

**А. ПАТТОЕВ.**

* * *

Редакциямизга Ғиждивондан И. Ҳамроев, Қорақалпоғистондан С. Матюсупов, Тошкентдан А .Мирзаев, А. Наримбетов, Н. Рустамов, Намангандан З. Исматуллаев, Сирдарёдан А. Дўсбеков, Қўқондан Т. Иноромов, Самарқанддан А. Эшқувватов ўртоқлар ҳам шундай хушхабарлар йўллашган.

# МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ—ЧЎЛГА

Бепоён Қарши чўли неча асрлардан буён ўз сийнасида беҳисоб бойликларни пинҳон тутиб ётибди. Бу бойликларни инсон изига бўйсундириш, коммунизм қурилишига хизмат қилдириш — шу кунинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қарши чўлидаги ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишларини йўлга қўйишни жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу — КПСС XXIV съезди Директиваларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳақиқатан ҳам Қарши даштида жуда катта ишлар амалга оширилянти. Бу меҳнат ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, бажаришаётган ишларнинг янада унумли ва самарали бўлишини тақозо этади. Меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш йўлларини билмай туриб қишлоқ хўжалигида иш унумини ошириш тўғрисида гап бўлиш мумкин эмас. Демак меҳнат ресурсларидан тағин ҳам тўлароқ, омилкорлик билан фойдаланиш ҳозирги кунинг энг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Комплекс механизациянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ва энергия қувватининг тобора ортиб бориши хўжаликларда меҳнат ресурсларининг маълум бир қисмини бошқа тармоқларга юбориш ёки саноатни қўшимча ишчи кучи билан таъминлаш имкониятини беради. Техника тараққиёти туфайли қўшимча меҳнат ресурслари вужудга келади. Бу ресурслардан Қарши чўлини ўзлаштиришда, янгидан ташкил этилаётган совхозларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига имконият борича қатнаша оладиган меҳнатга лаёқатли колхозчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари — меҳнат ресурсларини ташкил этади. Бу ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси у ёки бу хўжаликнинг ўзига боғлиқ. Чунки, меҳнат ресурсларидан тўла ва тўғри фойдаланиш кўпроқ маҳсулот етиштиришнинг ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишнинг қай даражада ташкил этилганлиги билан характерланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси меҳнатга кобилиятли ҳар бир кишига тўғри келадиган экин майдонининг жипслигига боғлиқдир. Кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигида экин майдонлари бир мунча кўпайди. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб янада ортди, улардан фойдаланишга эътибор кучайди. Шаҳрисабз районидаги «Қизил юлдуз», Ленин номли, Косон районидаги Энгельс номли колхозларда меҳнат ресурсларидан ҳамиша самарали фойдаланилмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари баббаравар ривожланиб бораяпти. Бу хўжаликларда амалга оширилаётган тадбирлар бошқа хўжаликлар учун ибрат бўлса арзирлидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Қарши чўлини ўзлаштириш тўғрисидаги қарорига биноан 1971—75 йилларда 85 минг гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Тўққизинчи беш йиллликнинг биринчи йилида ўзлаштирилган янги ерлар ҳисобига Қарши ва Косон районлари базасида Ульянов номли янги район тузилди. Район ҳар йили қариб 45 минг тонна пахта топширяпти.

Қарши чўлида 900 минг гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилади. Бу ҳар йили 1 миллион 300 минг тонна юқори сифатли пахта етиштиришга имкон беради.

Амударё суви Қарши чўлига оқизилгач, юқорида қайд этилган районлардаги меҳнат ресурслари даштни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. 1975 йилга қадар Қарши чўлида 85 минг гектар ер ўзлаштириладиган бўлса, меҳнатга қобилиятли ҳар бир ишчига 8 гектардан ортиқ ер тўғри келади. Яъни шунча ерни обод қилиш ва суғориш учун 11 мингга яқин меҳнатга қобилиятли киши талаб этилади. Қарши чўлида йирик, ихтисослаштирилган совхозлар тузиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир совхоз ўрта ҳисобда 10 минг гектар ерга эга бўлади.

Меҳнат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш мақсадида бу совхозларни интенсивлаштиришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштиришга эътибор янада кучайтирилади. Қарши даштида 1975 йилгача 630 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Шу жумладан қурилиш-монтаж ишларига 475 миллион сўм, суғориш ва ўзлаштириш ишларига 155 миллион сўм сарфланади. Ҳар бир гектар янги ўзлаштирилган ерга 1823 сўм харажат қилинади. Меҳнат ресурсларидан, техникадан, сув ва ўғитлардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилса, янги совхозлар бу харажатларни учтўрт йилда бемалол қоплай оладилар.

Тўққизинчи беш йиллик охирига бориб мамлакатимиз Қарши даштида етиштирилган 100 минг тонна пахтани қабул қилиб олади. Бу — пахтачиликда ишлаётган ҳар бир киши ҳисобига 100 центнердан «оқ олтин» етиштириш демакдир.

Чўлда ташкил этиладиган совхозларда меҳнат унумдорлиги 1975 йилга бориб 1973 йилдагига нисбатан икки баравар ортади, ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 44,2 процент кўпаяди. Қарши чўлида ташкил этиладиган хўжаликларда меҳнат қиладиган кишиларнинг моддий турмуши яхшиланади.

Қарши дашти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иккинчи Фарғона водийсига айланади. Чўлни ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, меҳнат ресурсларини ишга солиб планлаштирилган ишларни белгиланганидан барвақт бажариш катта аҳамиятга эгадир.

Мавжуд барча меҳнат ресурсларини Қарши даштини ўзлаштиришга сафарбар этиш лозим.

**М. МИРСОАТОВ,**
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

# Устоз

Сўзлар дарёсидан дур терган говвос,
Гўрўғли сингари баҳодир сарбоз,
Бошим кўкка етиб қутлайман бугун
Юз йиллик тўйингиз муборак, устоз!

«Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Кеча ва бугун»
Ҳамиша элимдн қилади мафтун,
Минг йиллик тўйларга муқаддима кун —
Юз йиллик тўйингиз муборак, устоз!

Чалган дўмбирангиз маънилар кони,
Халққа машҳур бўлди Ленин достони,
Бугун жўшди шогирдингиз илҳоми,
Юз йиллик тўйингиз муборак, устоз!

Юртингиз Нурота — тоғлар ораси,
Уйноқлар термангиз — назм сараси,
Балли Эргаш—Жуманбулбул боласи,
Юз йиллик тўйингиз муборак, устоз!

Сизга шогирд бўлиб юрган чоғларим,
Шеърни деб, сизни деб белни боғладим,
Мана ҳурмат билан оқар куйларим,
Юз йиллик тўйингиз муборак, устоз!

Очил ЭШМУРОД ўғли

# Ўртоқ Ленин

Эргаш ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли.

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Ултиришга бир ҳикоят айлайин,
Ўртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин,
Ленин номи баланд турар, ўртоқлар!
Бошқа сўзни энди кейин ташлайин,
Ленин десам, кўнглим равшан бўлади,
Достон айтиб кўпнинг кўнглин хушлайин.

Ленин кўрса, камбағаллар меҳнатда,
Бу меҳнат ортидан бойлар роҳатда,
Йўқ кўролмас, бу роҳатнинг бир куни,
Умри ўтар ўлгудай бўп хизматда.

Ҳар қаерда камбағалнинг куни йўқ,
Рост гапирса, айтар, битта чини йўқ,
Ана шундай хўрлаган бой йўқларни,
На сурат бор, на ҳиммат бор, сини йўқ.[1]

Мана шундай эди йўқларнинг ҳоли,
Хазон бўлиб, сўлган эди жамоли,
Кеча-кундуз золим, қонхўр зулмидан,
Вой демоққа келмас эди мажоли.

Ленин ўртоқ кўрса, йўқлар хор бўлган,
Пулдор эшигида интизор бўлган,
Бола-чақасиман бари хизматкор,
Бир хиллари қулдан ҳам баттар бўлган.

Камбағални кўрса эътибори йўқ,
Қанча ишни қилса сўкар, ори йўқ,
Бахт, давлат золим бойлар қўлида.
Камбағалга келмоқ ихтиёри йўқ.

Деҳқонларнинг ҳоли шундайин ўтган,
Шафқатсизлар илгин сўриб ютган,
Мен сизларга несин айтай, ёронлар,
Не йигитлар қарол бўп, сўлиб кетган.

У вақтлар эзилган камбағал бўлди,
Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди,
Қош билан киприкин олди золимлар,
Камбағалнинг моли бир соқол бўлди.

Ким йўқ бўлса, унда ҳузур қолмади,
Камбағалга ҳеч ким ҳомий бўлмади,
Иззат-ҳурмат, обрў—бари пулдорда,
Йўқларни ҳеч кимса кўзга илмади.

Қози, муфти — бари бойнинг чокари,
Камбағал шўр аввалдан хизматкори,
Иши ёқмай меҳнат қилган йўқларга
Ленин ўртоқ чиқиб, бўлди раҳбари.

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечага замонани сўйлади,
Қачонгача оқар, — деди кўз ёши,
Инқилобга белни маҳкам бойлади...

Текис, кенгдан бир йўл солгандир Ленин,
Бойнинг ҳушин бошдан олгандир Ленин
Шу йўл билан донг чиқариб дунёга,
Эзилганга раҳбар бўлгандир Ленин.

Ўртоқ Ленининг ҳар сўзин
Бир достон қилмоқ керак.
Сидқидилдан таърифин,
Мадҳин баён қилмоқ керак.

Ўртоқ Ленин фикри мудом
Мазлумларни озод этмоқ,
Озод бўлган эллар унга
Сидқин аён қилмоқ керак.

Бечора мазлумлар учун
Сонсиз жафолар чеккан ул,
Хизмат қилиб, унинг руҳин
Кўп шодмон қилмоқ керак!

Овора бўлган эл учун
Кўп қийнади ўз жонини,
Айтган сўзин раҳбар қилиб,
Йўлга равон бўлмоқ керак.

[1] сини йўқ — қадди букилган

# КЕЛДИМ

Районим Нурота, тоғлар ораси.
Отим Эргаш — Жуманбулбул боласи.
Қаридимми десам, кўнглим қоласи,
Тобора ошади ёшлик ҳаваси.

Томоша қилгани Тошкентнинг элин,
Шу вақтда бўлибди шаҳарлар гули,
Бир-биридан знёд, зебо манзили,
Бу гулшанда мен ҳам тургали келдим.

Келиб кўрдим: кенгаш, ёзиқ кўчалар,
Кундуздай равшандир юрса кечалар,
Завқ билан сайр этар кўп ёш бачалар,
Қувониб, шод бўлиб юргали келдим.

Тошкент ободлиги ҳаддидан ошган,
Узбекистон марказига ярашган,
Кўрмаганлар кўрса, кўп ақли шошган,
Хўп қидириб, ўбдон билгали келдим.

Партиямиз бош раҳбари, улуғи.
Жазб этади унинг ҳар бир қилиғи,
Шундадир ҳақиқат, сўзнинг илиғи,
Тўғри йўлни кўпрок билгали келдим.

# ХАЛҚ КУЙЧИСИ

*Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилган куннинг 100 йиллигига*

# МАШҲУР ДОСТОНЧИ

Етти ота-бобосигача шоир ўтган Эргаш Жуманбулбул ўғли замонамизнинг етук достончиси, атоқли халқ шоири бўлиб танилди. У ўзбек эпосининг энг яхши намуналарини ўз ҳофизасида бизгача олиб келди, замонавий фольклор тараққиётига улкан улуш қўшди, ўзининг сермазмун ва баракали ижоди билан ўзбек совет фольклорининг пешқадам вакили ва асосчиларидан бири бўлди.

Эргаш шоир 1868 йилда ҳозирги Самарқанд область, Нурота район Жўш қишлоқ советига қарашли Қўрғон қишлоғида деҳқон—бахши оиласида туғилди. Эргаш шоирнинг ёшлиги достончилик анъаналари кучли суратда давом этаётган бир даврда кечди. Унинг отаси, амакилари Қўрғон қишлоғида донг таратган достончилар эдилар. Айниқса, шоирнинг отаси Жуман катта эътибор қозонган бўлиб, унинг сўз санъатидаги маҳорати, чечан бастакорлиги, ноёб лиризмига тан берган замондошлари уни «булбул» деб атаганлар.

**Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,**
**Йигирма хил нағма, дўмбира чертиб,**
**Хоҳ катта, хоҳ кичик эшитса,**
**Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб,**
**Шуйтиб ўтган у замони Булбулнинг, —**

дей эслайди Эргаш шоир отасини.

Жуманбулбул ўзи саводсиз бўлгани учун ўқишни жуда қадрлар эди. Шунинг учун ҳам у ўғлининг саводли бўлишини истарди. Уни 7 ёшида қишлоқ мактабига ўқишга берди. Идроклиги ва ўткир зеҳни Эргаш ўқиш-ёзишни жуда тез ўрганди. Навоий, Фузулий, Машраб, Махтумқули каби шоирларнинг асарларини қунт билан ўқиди, терма ва достонлар ёддади, ўзи ҳам шеърлар ижод эта бошлади. Бу орада отаси уни Бухоро мадрасаларидаг бирига жойлаштириб қўйди. Лекин Эргаш иқтисодий қийинчилик туфайли ўқишни ташлаб, деҳқончилик билан шуғулланишга ва отасига ёрдам беришга мажбур бўлди.

1886 йилда отаси вафот этиб, катта оила рўзғорини тебратиш 18 яшар Эргаш зиммасига тушди. Ҳаётий қийинчиликларга қарамай Эргаш укалари тарбиясига алоҳида эътибор берди. Бу орада укалари вояга етиб, шоирнинг иқтисодий аҳволи бир мунча яхшиланди. Лекин ўлкада ҳукм сурган умумий қашшоқлик, вабо туфайли бирин-кетин унинг болоғатга етган укалари, сингиллари, онаси, хотини ва болалари вафот этади. Бу ачинарли ҳолларни шоир кейинчалик шундай хотирлаган эди: «Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ. Мен бир катта ҳовлидан бир ўзим қолганман. Икки ини, икки сингил, тўртта-бешта қиздан, тўртта-бешта ўғилдан, хотиндан, боладан бир катта ҳовлида бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, ҳув, деб элдан чиқиб, дашту биёбонларда, чўлларда, танимаган элларда сарсон-саргардон бўлиб улоқиб, ҳижрон-айрилиқнинг ўтига тутаниб, алам, ситам, қайғу, мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўткариб, ўзимга бирор мунгдош, ҳамдам, ҳамроз топмай, ғам лойига ийланиб, элма-эл, юртма-юрт, шаҳармашаҳар, кўргонма-кўрғон, овулма-овул довдираб юрганман».

«Ҳар қандай вақтда оҳ тортиб, бир байт, бир мисра ё бир муҳаммас билан айтиб, ўз ҳолини билдирса, бир яхши кўрган одами билан мунглашгандай бўлади», — деган шоир мана шундай оғир дамларда умидсизлик кайфиятларига берилмади, Самарқанд ва унинг атрофларида гоҳ бахшилик, гоҳ табиблик, баъзан қиссахонлик қилиб кезиб юрар экан, унга меҳнаткаш халқ достонлари, қўшиқ ва термалари ҳамроҳ бўлди.

Эргаш шоир репертуари жуда бой ва рангба-ранг бўлиб, у «Кунтуғмиш», «Якка Аҳмад», «Қизжибак», «Юсуф-Аҳмад», «Алибек билан Болибек», «Далли», «Равшан», «Кундуз билан Юлдуз», «Хушкелди», «Ҳолдорхон», «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Авазхон», «Ҳасан хон», «Хиромон», «Алпомиш», «Қумри», «Ошиқ Ғариб», «Вомиқ билан Узро», «Варқа билан Гулшоҳ», «Тулумбий», «Махтумқули», «Кучукбачча» каби йигирмадан ортиқ достонларни, жуда кўп термаларни билар эди.

Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли ўзбек халқ достонларини куйлаб, қайта ишлаб бадиий жиҳатдан сайқаллаган ажойиб сўз санъаткоридир. Унинг ҳофизасида бизгача етиб келган анъанавий достонларнинг мазмуний ва бадиий камолоти шоирнинг ажойиб маҳорати билан боғлиқ. Эргаш шоир достонлари оғзаки маданий мерос сифатида ўзига хос ўрин тутади. Бу достонлар шоир ижросида ўта бадиий, ёқимли, содда, лирик ва жуда эмоционалдир.

Эргаш шоир достонларининг поэтик мукаммаллиги композицион қурилиши, қофиялар, айниқса, аллитерацияга асосланган қофиялар, вазн тузилиши, тасвирий ва эмоцион воситаларнинг қўлланишида яққол кўринади. Эргаш шоир фольклорда / сўз санъати устида пухта ишлаган шоирлардан бири. У асарларининг тушунарли бўлиши учун сўзларда, сатрларда, тасвирларда ижодий меҳнатини аямаган. Шунинг учун ҳам шоир достонларини халқнинг ўз тилида сўзлайди. Зарурий бадиий воситаларни халқнинг ўзидан олади, халқнинг руҳи, социал шароити, табиати ва истаги билан чамбарчас боғлайди. Эргаш шоир достонларининг халқчил ва оммабоп бўлишидаги туб моҳият ана шунда.

Эргаш шунчалик ҳассос шоирки, у достонларида айрим қуйма мисраларга бир қанча фикрларни мужассамлаштира билади. Шу парча орқали ўқувчи ёки тингловчи кўз олдида эпик қаҳрамонининг руҳий ҳолатини ёки ўзини намоён қилади. Кўринадики, Эргаш шоир воқеаларни тавсифлаб ўтирмайди, балки образлар орқали кўрсатади. Ўқувчи ёки тингловчи Эргаш шоир тасвиридаги ҳаётни, воқеликни образ ва картиналар орқали кўради. Шоир асарларининг тили, услуби, ундаги бадиий восита ва усуллар асарнинг умумий мундарижаси билан боғлиқ бўлиб, улар шу мундарижанинг халқчил мазмуний йўналишини аниқлайди, белгилайди, асар акс эттирган ғоянинг етук бўлишини таъминлайди.

Эргаш шоир ижоди ниҳоятда бой ва кўп қирралидир. Айниқса, унинг ижоди совет даврида ниҳоятда баракали бўлди.

**Эркин замон, ҳамма омон,**
**Йўқ бўлгандир бари ёмон,**
**Эркакман тенг қизу жувон,**
**Достон қилурман, жўралар,—**

деган шоир янги тузумнинг афзаллигини, ўзига ва куйига берган эркинликни тўлиб-тошиб куйлади. Умр бўйи ўз асарларида ҳуррият, озодликни куйлаб келган Эргаш шоир Улуғ Октябрь инқилобини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олди. 1918 йилдаёқ Бухоро амирлиги территориясидан Совет Туркистонига ўтиб, янги ҳаёт ўзгаришларини ўз кўзи билан кўрди. Амирлик емирилгач, қишлоғига қайтиб, қишлоқ болалари учун бир хонали мактаб очиб, болаларни саводга ўргата бошлади. Улуғ Октябрни, доҳиймиз В. И. Ленинни, Советлар ҳокимиятини куйлашни ўз бурчи деб билди («Октябрь», «Шўро», «Қизил»).

Шоирнинг асарлари 1926 йилдан бошлаб атоқли олим Ҳоди Зариф раҳбарлигида ёзиб олина бошланди.

«Ўртоқ Ленин» достони Эргаш шоир ижодида ва умуман ўзбек совет фольклорида алоҳида ўрин тутади. Шоир анъанавий достонларда меҳнаткаш халқ орзу-истакларини эпос қаҳрамонларининг романтик саргузаштлари орқали ифодалаган бўлса, бу достонда халқ орзу-истакларининг амалга ошганини, рўёбга чиққанини зўр маҳмуният билан ифодалаб берди. «Ўртоқ Ленин» достони ўзининг чуқур мазмуни, халқ ижодига хос соддалиги билан диққатга сазовор. Достонда Эргаш шоир буюк халқ қаҳрамони ва халоскори В. И. Ленин образини яратдики, бу ўзбек фольклорида доҳий ҳақидаги биринчи асар — ўзбек ленинномасини бошлаб берган йирик асардир.

Эргаш шоир Улуғ Октябрь ҳақида янги достон, «Ўртоқ Ленин» ва «Таржимаи ҳол» асарларининг иккинчи қисмини яратмоқчи, янги замон мадҳини янада баралла куйламоқчи, репертуаридаги ёзилмай қолган анъанавий достонларни қаламга олмоқчи эди. Афсуски, бевақт ўлим бунга монелик қилди. Шоир 1937 йилнинг 12 майида ўз қишлоғида вафот этди.

Жўшқин шоир ўз халқига катта адабий мерос қолдирди. Бу асарлар унинг муборак номини янада улуғлайди. Ундан абадий ёдгорлик бўлиб қолади. Шоир ижоди ва адабий меросининг ҳар томонлама ўрганилиб келинаётганлиги, асарларининг қайта-қайта нашр этилиши, юбилейининг кенг нишонланиши мамлакатимизда ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин намойиши, адабий-маданий ва фольклор меросига берилаётган катта давлат эътиборининг ажойиб кўринишидир.

**Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ,**
**филология фанлари доктори, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.**
**Т. МИРЗАЕВ,**
**филология фанлари кандидати, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти фольклор секторининг мудири.**

Суратда: шоир асарларидан намуналар.

А. ТУРАЕВ фотоси.

# ШОИР МЕРОСИ

Машҳур ва ўлмас бахшимиз Эргаш отанинг 100 йиллик тўйи қизғин нишонланаётган шу кунларда шоирнинг юзага чиқишида алоҳида жонкуярлик кўрсатган, унинг асарларини илмий текшириш ва оммалаштириш соҳасида катта меҳнат қилган ва меҳнат қилаётган заҳматкашлар фаолиятини ҳам таҳсин ва мамнуният билан эслаш ўринлидир.

Эргаш шоир Жуманбулбул ўғлини 1924 йили атоқли фольклорчи олим Ҳоди Зариф кашф этди. У бамисоли говвос бўлиб халқ ижодиёти денгизидан дурдоналарни олиб чиқди, давлат мулки сифатида кўз қорачўғидай сақлади, меҳнаткашлар оммасига тақдим этди.

Шоирнинг қутлуғ тўйи кунида халқ ижодининг астойдил ихлосмандларидан бири Муҳаммад Исо Эрназар ўғлининг номини ҳам ҳурмат билан қайд этгимиз келади. Ўртоқ Эрназаровнинг ғайрати ва муҳаббати туфайли Эргаш шоирдан 1926 йили «Кунтуғмиш», «Якка Аҳмад», «Қундуз билан Юлдуз» достонлари ёзиб олинди.

Эргаш шоир ижодида халқ эпоси ва шеъриятининг бадиий баркамоллиги, тил бойлиги, халқчил, гуманистик ғоялари ғоят гўзал, таъсирчан ифодаланган.

Тилшунос олим Ғози Олим Юнусов 1926 йили «Маориф ва ўқитгувчи», 1928 йили «Аланга» журналларида Эргаш отанинг ижоди билан ўқувчиларни таништиради. Машҳур олим В. М. Жирмунский, Ҳ. Зарифов биринчи бўлиб бахшининг серқирра ижодий фаолиятини илмий асосда ўргандилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Шоабдураҳмонов 1949 йили «Равшан» достонининг бадиий тили ҳақида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шундан кейин фольклоршунос Б. Каримов, З. Каримова, Ю. Султонов, М. Афзалов, Ғ. Муқимов, Ж. Ҳожиматов ва бошқаларнинг бахши репертуари, айрим достонлари таҳлилига, совет даври ижодига бағишланган оммабоп мақолалари босилди. 1971 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни» илмий тўпламида олимларимизнинг тадқиқотлари босилган бўлиб, унда шоир мерос қилиб қолдирган бебаҳо фольклор асарлари ҳар томонлама таҳлил этилади, фанимиз учун ғоят муҳим, фойдали, тўғри хулосалар чиқарилади. Уларда ўзбек эпоси Қўрғон достончилик мактабининг ўзига хос томонлари, ижодий анъаналари, достонларда шакл ва мазмун бирлиги, инсон руҳиятининг драмматик ҳолатлари, чорвадорлар, деҳқонлар машиий ҳаёти картинаси ва ижтимоий муҳитнинг эпосдаги тасвири, халқ оммаси дунёқараши ва эстетикасининг бадиий ифодаланиши, достон тилининг бўёқдорлиги, лексик бойлиги, этимологияси каби муҳим масалалар муфассал ёритилади.

Бироқ ҳали фольклоршуносларимиз Эргаш шоир ижоди мисолида эпосимизнинг қатор назарий масалалари устида жиддий тадқиқотлар олиб боришлари керак. Маълумки, Эргаш шоир репертуарида Гўрўғли туркумидаги достонлардан бир нечаси бор. Чиндан ҳам, у бошқа бахшиларга нисбатан бу туркум достонларини юқори ғоявий-бадиий савияда, гўзал куйлаган. Тадқиқотчиларимиз бир номдаги достонларни (Чунончи, «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Хушкелди» ва бошқаларни) чоғиштириб таҳлил этганларича йўқ. Халқ бахшиларининг таланти, маҳорати ҳақида ана шу қиёсий ўрганиш орқали қимматли фикрлар айтиш мумкин. Иккинчидан, достонларни чоғиштириш йўли билан ўзбек бахшиларига мансуб бўлган Булунғур, Шеробод достончилик мактабларининг ўзаро муносабатлари ва ўзига хос белгиларини янада равшанроқ аниқлаш мумкин.

Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул Мойлибой хўжадек зўр қозоқ оқини билан қадрдон дўст бўлган, давраларда достон айтишиб, чечанликда бир-бировнинг обдон синаб кўрган. Эргаш отанинг ўз қўли билан 1927 йили ёзилган «Қизжибак» қозоқ халқ достони А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг фольклор секторида сақланмоқда. Қозоқ фольклорида бу достоннинг бир неча вариантлари бор.

Маълумки, Эргаш шоир ўспиринлик чоғларида Бухоро мадрасасида таҳсил кўрди. Ўзбек, туркман, озарбайжон классик шеъриятининг энг яхши намуналари билан танишди, ўқиди, ёд олди. Классик назмиёт таъсири у куйлаган достонларнинг қат-қатига сингиб кетган. Классик шеъриятимизнинг айрим намуналари бахши репертуаридаги достонларда яққол кўриниб турганлигини қайд этиш билан бу масала ҳал қилинди, деб бўлмайди. Яна шу нарса аниқки, Эргаш ота «Вомиқ ва Узро» китобий достонини ҳам куйлаган. Фузулий ва Навоий ғазаллари, Машрабнинг ноёнкор шеърлари, Махтумқулининг элимизда аввалдан кенг тарқалган қўшиқларининг оҳанги ва руҳими, шикояти ва норозилигими, шеър ритмикаси ё қофия тузилишими, тилининг дурҳикматлилиги ёҳуд бадиий жозибасими — ҳар қалай бирон томони Эргаш шоир ижодида омухта бўлган. Буни аниқлаш тадқиқотчиларимиздан заргарлик талаб этади.

Бошқа бахшилар қатори Эргаш Жуманбулбулнинг ҳам совет даври ижоди сермаҳсул бўлди. Лекин унинг «Ўртоқ Ленин», «Таржимаи ҳол» достонларида насрий қисм йўқ. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Ваҳолонки, «Ҳасан батрак» (Пўлкан), «Очилдов» (Фозил Йўлдош ўғли) каби асарларда анъанавий достон шакли деярли тўла сақланади. Демак, Эргаш шоир ижодининг Совет даври алоҳида ва чуқур ўрганилиши керак. Чунки, ўзбек совет адабиётининг шаклланиш даврида халқ бахшилари ижоди янги ижтимоий-социалистик тузум шарофати билан туғилган ўзига хос, янги ижодий жараёндирки, буни илмий асосда ўрганиш ҳар жиҳатдан муҳим.

Халқ эпосининг демократик йўналишини қувватлаб давом эттирган, бадиий тафаккур ривожига салмоқли ҳисса қўшган нафосат куйчиси, заршунос бахши Эргаш ота Жуманбулбул ўғли қолдирган бой адабий меросни бутун мураккаблиги билан ўрганиш фольклоршунослигимизнинг масъулиятли вазифаси ҳисобланади.

**О. СОБИРОВ,**
**филология фанлари кандидати.**

# МУНОСИБ ШОГИРД

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзининг достон ва термалари билангина халқ ўртасида шуҳрат қозониб қолмай, ўз даврининг маърифатпарварларидан бири сифатида ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширган эди.

У қишлоғидаги эски мактабда таълим олади. 1884-1885 йилларда Бухоро мадрасасида таҳсил кўриб қайтгач, халқ ўртасида достон, термалар куйлаб юради, мирзалик қилади. Шоир халқнинг ёппасига саводсиз эканини ўз кўзи билан кўриб, қаттиқ ҳафа бўлади, чора ахтаради. Лекин у феодал бекларнинг таъқиби остида яшаётган авом халқ фарзандларининг илм олиш имконятига эга эмаслигларини жуда яхши билар эди.

Октябрь инқилоби маърифатга кенг йўл очиб берди. Эргаш Жуманбулбул ўғли меҳнаткашларнинг болаларини ўқитишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди. 1924 йилда Жўш ревкомининг ёрдами билан шоир Жўш қишлоқ шўросига қарашли Қоракисса қишлоғида бир хонали мактаб очишга муяссар бўлди ва ўзи муаллимлиқ қила бошлади.

Унинг қўлида таълим олган, шунингдек, машҳур бахшининг достончилик маҳоратидан баҳраманд бўлган шогирдларидан бири қоракиссалик Раҳматулла Юсуф ўғли эди. Ҳозир бу киши 55 ёшга тўлган.

Эргаш шоир талабалари орасида Раҳматулла ҳар нарсага қизиқувчанлиги, зеҳнининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли у Раҳматуллага диққат эътибор билан муносабатда бўлади, уларникига тез-тез бориб, Раҳматулланинг отаси—Юсуф ака билан ўғлининг тарбияси хусусида маслаҳатлашиб туради. Юсуф аканинг ўзи ҳам саводхон киши бўлиб, ўғлига эртаклар, термалар айтиб берган ва шу тариқа Раҳматуллада халқ оғзаки ижодига қизиқиш уйғотган эди. Юсуф аканинг даргоҳида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир каби машҳур халқ бахшилари тез-тез йиғилишиб, ҳангомалар қилишган. Ана шундай гурунглардан баҳраманд бўлган Раҳматулла ёшлигиданоқ эртак, термаларни ўзича хиргойи қила бошлайди.

У Эргаш Жуманбулбул ўғлига 19 ой шогирд бўлди. Шу давр мобайнида Раҳматулла улкан бахшидан достон айтиш сирларини, тингловчилар ўртасида ўзини тута билишни, уларнинг диққатини жалб эта олиш маҳоратини ўрганди. Эргаш ота уни бир неча марта аввало ўзи, сўнгра одамлар орасида синовдан ўтказди. Раҳматулла устозининг рухсати билан базмларда достонлардан парчалар куйлай бошлади.

1946 йилда Раҳматулла Юсуф ўғли халқ бахши ва талантларининг Тошкентда бўлган республика кўригида қатнашиб, катта мукофоқият қозонди, репертуаридаги бир талай достонлар ёзиб олинди.

Раҳматулла шоир Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ўрганган достонларни халқ ўртасида куйлаш билан чекланиб қолмади, балки унинг ўзи ҳам халқ ижоди хазинасини «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Рустамхон», «Холбека», «Қиронхон», «Эрназархон» каби янги достонлар, «Саргузаштим», «Айтмоқлик керакдир: «Офарин дўстлар!», «Келдим», «Ибрат», «Чақимчи», «Аҳмоқнинг белгиси» сингари ўнлаб ғазаллар, термалар, сатирик шеърлар билан бойитди.

**Р. РАЖАБОВ,**
**Тошкент Давлат университети, ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти.**

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

# ФАН ЗАҲМАТКАШИ

Совет ҳокимияти йилларида бошқа фанлар қатори ҳуқуқшуносликфани ҳам қарор топди, ривожланди ва бу соҳада таниқли олимлар етишиб чиқди. Ана шундай етук олимлардан бири республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Малик Ҳакимовдир. Бу ажойиб олимнинг ҳаёт йўлига назар ташлаган киши совет халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳамкорликнинг яратувчи қудратига яна бир бор таҳсин ўқийди.

Умри деҳқончилик билан ўтган Ҳаким ака ўзи илм ололмагани учун ўғли Маликнинг саводхон ва илмли бўлиб етишишини орзу қиларди. 1939 йилда у Ўрта Осиё Давлат университетига ўқишга киради. Орадан кўп ўтмай Малик Ватан олдидаги бурчини ўташ учун Совет Армияси сафига хизматга чақирилади. 1941 йилда Виборг шаҳри остонасида Малик Ҳакимович оғир яраланади. У жонкуяр шифокорлар ғамхўрлигида соғайиб, инвалид бўлиб Тошкентга қайтади.

1942 йилда Малик Ҳакимов Бутуниттифоқ юридик институтининг Тошкент филиалига сиртдан ўқишга киради. Орадан бир йил ўтгач, Тошкент юридик институтининг кундузги бўлимида ўқий бошлади. Олий мактабни имтиёзли диплом билан тугатган Малик Ҳакимович Москвага — аспирантурага ўқишга боради. СССР Фанлар академияси ҳуқуқ институтининг йирик олимларидан И. Д. Левин ва Б. Ф. Котоклар раҳбарлигида таҳсил кўради ва 1949 йилда кандидатлик илмий даражасини олиб, Тошкентга қайтади.

Ана шу вақтдан бошлаб М. Ҳакимов бутун куч-ғайратини республикамизда ҳуқуқшуносликфанини ривожлантиришга ва бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлашга сарф қила бошлади. У Тошкент юридик институтида, Тошкент Давлат университетининг юридик факультетида, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтларида жуда катта педагогик ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Кўп йиллик илмий изланишлар якуни сифатида 1965 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Профессор М. Ҳакимов 80 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп асарлар ва мақолалар муаллифидир. Бу асарларда у давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши, маъмурий ҳуқуқнинг актуал масалалари устида фикр юритади. Марксизм-ленинизм классикларининг автономия ва федерация соҳасидаги таълимотининг Ўзбекистонда амалга оширилиши тажрибаси, большевиклар партиясининг миллий масалани ҳал этиш борасида олиб борган кураши, халқлар дўстлиги ва ҳозирги даврда миллий давлатчилик тараққиётидаги асосий йўналиш каби проблемалар олимнинг илмий ишлари мазмунини ташкил этади. Айни вақтда профессор М. Ҳакимов Д. Устабоев, А. Бобожонов, Ҳ. Сулаймонова каби Ўзбекистонда совет қурилиши ҳамда юстиция органларининг кўзга кўринган арбоблари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги илмий-оммабоп асарларнинг ҳам муаллифидир.

Олим М. Ҳакимов кўплаб ёшларнинг меҳрибон мураббийсидир. У 10 дан зиёд фан кандидатлари етиштирди. Улар орасида Т. Одилов, Р. Обиджонова, А. А. Собчак, Г. В. Полозов, В. Н. Стаско, А. П. Каратзас ва бошқалар бор.

Совет халқларининг улуғ дўстлиги ва бирдамлигида камол топган ҳуқуқшунос олим М. Ҳакимовнинг ҳозир куч-қувватга тўлган пайти. Ажойиб устоз, фан заҳматкаши, профессор М. Ҳакимовга узоқ умр ва ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

К. НАЗАРОВ,
Ғ. АҲМЕДОВ,
юридик фанлар кандидатлари.

# Оламда НИМА ГАП

## ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Ўтган ҳафта мен Москвада ўқиётган ватандошларимдан бири билан суҳбатлашиб қолдим. «Ҳозир, — деди у, — мен Ленин асарларини оригиналида ўрганяпман. Унинг ҳар бир фикри, ҳар бир сўзи ҳозирги кунда ҳам жуда муҳим».

Мен 70-йилларнинг кишиси бўлган бу ёш йигит билан суҳбатлашар эканман, ҳаёлан уни 40-йилларнинг кишиси бўлган худди шундай йигит билан таққослайман. Мен кекса коммунист Вацлав Прокупек билан кўпдан дўстман. Урушга қадар оддий ишчи ва Плзень областида чиқадиган коммунистик «Правда» газетасининг редактори Прокупек буржуазия Чехословакияси томонидан бир неча йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Готвальд бошлиқ Коммунистик партия раҳбарлиги Вацлав Прокупекни яшириш йўл билан Европа мамлакатлари орқали Москвага, Коминтерн мактабига юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ у Ватанимиз шонли 1945 йилнинг майида Совет Армияси томонидан озод қилинганидан кейингина Чехословакияга қайтиб келишга муваффақ бўлди.

Менинг Чехословакия Коммунистик партияси сафига қабул қилишлари тўғрисидаги аризамда Вацлав Прокупекнинг тавсияномаси бор. Озодликка эришганимиздан кейин Лениннинг таржима қилинган китобларини ҳам мен илк бор унинг қўлидан олдим. Кекса коммунист сиёсий воқеаларни тўғри тушунишимга ёрдам берди. «Ҳар бир саволнинг жавобини Лениндан ахтар» — дер эди Вацлав Прокупек. Ҳозир ҳам Ленин асарларининг томларини қўлимга олар эканман, уларнинг таржимони бўлган дўстимнинг «Ҳар бир саволнинг жавобини Лениндан ахтар» деган сўзини эштигандай бўламан.

Ҳа демай менинг партия ўқуви йилларим бошланди. Ўшанда бизнинг мактабимиз Праганинг Гиберн кўчасида, собиқ Халқ уйида жойлашган эди. РСДРПнинг Прага конференцияси Ленин раҳбарлигида 1912 йили худди шу уйда ўтган эди. Ана шу тарихий бинонинг бир қанотида, ўша пайтлар ЧКПнинг марказий партия мактаби жойлашган уйда ҳозир Ленин музейи очилган.

Чехословакия 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён социалистик тараққиёт йўлидан бормоқда. У замонавий саноатни вужудга келтирди. Клемент Готвальд номидаги металлургия комбинатини, янги шахта ва химия корхоналарини барпо этди, машинасозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларини такомиллаштирди ва кенгайтирди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити беқиёс даражада яхшиланди. Чехословакияда социализмнинг қурилиши тарихий ўзгаришларга олиб келди, халқимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ажойиб ютуқларга эришилди.

...Менинг Совет Иттифоқида ишлаётганимга уч йилдан ошяпти. Белоён Советлар мамлакатининг В. И. Ленин номи билан боғлиқ бўлган жуда кўп жойларини кўришга муваффақ бўлдим. Ульяновск ва Волгадаги Владимир Ильичнинг болалиги ўтган жойлар, Ленинград, Шушенскоедаги Ленин жойларини кездим. Владимир Ильич билан учрашган кишилар ҳикоясини мароқ билан тингладим. Лениннинг номи, иши ва хотираси барча қитъалардаги миллионлаб кишиларга нақадар азизлигини бугун мен яхши ҳис қилиб турибман.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган план бўйича Директивалар қабул қилди. Съезд тинчлик ва хавфсизлик программасини ҳам ишлаб чиқди. Бу программа жаҳондаги барча прогрессив кучлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Совет Иттифоқи ленинча сиёсатни изчиллик билан амалга ошираётганлиги туфайли жаҳон социализм системасининг етакчи кучига, дунё тараққиётининг ҳал қилувчи омилига айланиб қолди.

...Мен ўз ўтмишимни, мамлакатим ўтмишини эслар эканман, босиб ўтган йўлимизни аниқ тасаввур қиламан. Партиямиз ва жамиятимиз, ҳар бир коммунист, Чехословакиянинг ҳар бир граждани — кекса-ю ёшлар ўз социалистик эътиқодларининг қатъийлигини тарихий синовдан ўтказдилар.

ЧССР экономикасининг бугунги тараққиёти, меҳнаткашлар турмуш шароитининг яхшиланганлиги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида партиямиз обрўсининг ўсганлиги жамиятимиз тараққиётидаги ҳар бир асосий принципиал саволга аниқ, синфий жавобни Лениндан топаётганимизни кўрсатиб турибди. Курашиш ва енгишни Лениндан ўрганиш керак.

Йозеф МАШИН,
«Руде правонинг Москвадаги мухбири. (АПН).

## САЙЛОВЧИЛАР ОВОЗИ КЕТИДАН ҚУВИБ

НЬЮ-ЙОРК, 10 май. (ТАСС). Алабама штатининг губернатори ирқчи Жорж Уоллес демократик партиядан ўз номзодининг АҚШ президенти лавозимига кўрсатилишига ҳаракат қилмоқда. Унинг тарафдорлари сайловчиларнинг кўпроқ овозини олиш учун кураша ҳар қандай воситалардан ҳазар қилмаётирлар.

«Дейли уорлд» газетасининг хабар қилишича, бундан бир неча кун муқаддам Мичиган штатидаги Детройт шаҳрида тарқатилган жуда кўп варақаларда автомобиль ва авиация саноати ишчилари касаба союзининг раҳбарлари... «президент лавозимига Ж. Уоллес номзоди кўрсатилишини қўллаб-қувватламоқдалар» деб даъво қилинган эди.

Ярим миллиондан ортиқ кишини бирлаштирувчи ана шу касаба союзининг вакиллари бундай сохта гапнинг тарқатилишига қарши кескин норозилик билдиридилар ва ирқчиларнинг сайлов олди найранглари оддий сайловчиларни алдашга, Мичиган штатида 16 май куни ўтказиладиган бирламчи сайловда кўпроқ овоз олишга қаратилган, деб таъкидладилар.

Аслида эса автомобиль ва авиация саноати ишчилари бирлашган касаба союзининг яқинда Детройтда бўлиб ўтган кенгашда қатнашган раҳбарларидан юзга яқин киши Ж. Уоллеснинг ҳокимият тепасига чиқиб олиш йўлидаги уринишига қарши кураш бу галги сайлов кампаниясида касаба союзининг энг асосий вазифаларидан бириди, деган якдил бир фикрга келганликлари илгари хабар қилиб ўтилган эди.

Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқ армия солдатларининг ўз қуроллари билан ватанпарварлар томонига ўтиш ҳоллари борган сари кўпаймоқда Апрель ойининг бошларида «Кэролл» базасидаги Сайгон армиясининг 56-полки қўзғолон кўтариб, ватанпарварларга қарши жангга киришдан бош тортди. Суратда: Озодлик кучлари томонига ўтган исёнчи полк солдатлари.

ВИА—ТАСС фотоси.

●

Германия Федератив Республикасида СССР ва ПХР билан тузилган шартномаларни ратификация қилиш доирасида сиёсий кураш авж олиб кетди. Оппозициянинг наттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, социалистик давлатлар билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдорларининг сафлари кун сайин кенгайиб бормоқда. Суратда: Кёльн шаҳрининг намойишчилари шарқий шартномаларни дарҳол ратификация қилишни талаб этмоқдалар.

И. Маслов фотоси, (ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАРШАВА. Бу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Польшада уй-жой қурилишининг перспектив программасига бағишланган V пленуми очилди. ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек кириш нутқи сўзлади.

◆ БЕРЛИН. СССР мутахассисларининг ёрдами билан Альтмаркда (Магдебург округи) бой табиий газ кони ўзлаштирилди. Бу қимматли ёқилғи ва химия саноатининг хом ашёси совет илмий тадқиқот институтлари ишлаб чиққан технология асосида қазиб олинмоқда. Шу йил Альтмаркда салкам 83 минг метр фойдаланиладиган кон-кудуқларни пармалаш мўлжалланади.

◆ КАРАКАС. Венесуэла ўқитувчиларидан 12 мингдан кўпроқ киши забастовка эълон қилди. Улар меҳнат шароитининг яхшиланишини, иш ҳақининг оширилишини ва ишдан асоссиз бўшатишларнинг тўхатилишини талаб қилмоқдалар.

◆ ВЕНА. Австрия полицияси Австрия — Ғарбий Германия чегараси яқинидаги юқори Австрия ўлкаси территориясида қўшқават тагли автофургон-холодильник ичидан 630 килограмм келадиган наша топди. Нашанинг нархи тахминан 40 миллион шиллинг деб баҳоланди. Полиция ҳорижий номер тақилган юк машинасининг эгаси билан шоферини қидирмоқда. (ТАСС).

## ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГЛАР

◆ НЬЮ-ЙОРК, 10 май. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари Сайгон қўшинларининг позицияларини ва истеҳкомларига ҳамон ҳужум қилмоқдалар. Марказий ясси тоғдаги Бенхет ҳарбий базаси ёнида қаттиқ жанглар бўлмоқда.

Озодлик кучларининг артиллерияси Америка-Сайгон қўшинларининг Кюнней шаҳридаги катта ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базасини тўпга тутмоқда. Ватанпарварлар соҳил бўйида Ниньтхуан вилоятида ҳужум операцияларини ҳам активлаштирмоқдалар.

Халқ озодлик қуролли кучларининг Сайгондан шимолда ҳаракат қилаётган қисмлари 13-йўлдаги Тентхань шаҳрида жойлашган Сайгон қўшинларига ҳужум қилишди. Ватанпарварлар душманнинг Сайгондан жанубдаги позицияларига ҳам ҳужумни кучайтирмоқдалар. Улар Бенлик ва Диктхань шаҳарларидаги ҳарбий базаларни, шунингдек душманнинг Меконг дарёси дельтасида, Сайгондан 45-70 километр жанубдаги бир қанча позицияларини ўққа тутдилар. Қўғирчоқ режим армияси Сайгон зонасида учраган маглубият учун шу зона қўмондони генерал Нго Зу вазифасидан олиб ташланганлиги маълум бўлди. Сайгон «сенати» деб аталмиш сенат Тхиеуга 6 ойлик муҳлат билан «фавқулодда ваколат» берди. Бу ҳол аслида Сайгонда фавқулодда ҳолат жорий этилганлиги билан баравар деб баҳоланмоқда.

Бугун Америка ва Сайгон артиллерияси, шунингдек АҚШ 7-флотининг кемалари Жанубий Вьетнамнинг Хюэ шаҳридан шимолда озод қилинган районларини тўпга тутди. Айни маҳалда «В-52» бомбардимончи самолётлар ва АҚШнинг тактик авиацияси шу районларга ёпириліб ҳужум қилди.

◆ ХАНОЙ, 10 май. (ТАСС). Бугун эрталаб Америка авиацияси ВДР пойтахтини бомбардимон қилди. Бомбалар шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган бир қанча районларига ташланди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари мана шу қароқчиларча ҳужумни даф этиб, Американинг 9 самолётини уриб туширдилар. Бир неча учувчи асир олинди.

Шу бугунок АҚШ авиацияси Хайфоннинг аҳоли яшайдиган районларини, шунингдек Ханойнинг шимолий-ғарбидаги аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларни бомбардимон қилди. Хайфон устида Американинг 3 самолёти ва Йнбай вилоятида 2 самолёти уриб туширилди.

Шундай қилиб, ВДР устида уриб туширилган Америка самолётларининг жами сони 3556 тага етди, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

ВДР қирғоқ артиллерияси-нинг батареялари кеча Американинг 7-флоти кемалари соҳилга 13 километргача яқинлашиб, Хайфон яқинида жойлашган Дашона ва Антху районларини ўққа тута бошлаганларида Американинг икки эсминецига шикаст етказишди. Шу билан бир вақтда Американинг 5 самолёти Хайфон портининг ички рейдига мина ташлади. Ўша вақтда бу ерда 11 та чет мамлакат кемаси, жумладан Вьетнам Демократик Республикасига ёрдам юки ортиб келган Совет кемалари бор эди.

## СПОРТ

ЯНГИЛИКЛАР

### Очколар тенг келганда

Биринчи лига футбол командаларининг 7-тур мусобақалари пешқадам коллективлар тўплаган очколарни тенглаштириб қўйди. Натижада ўйинлар жадвалига ҳозиргача қарвонбошилик қилаётган прославлик футболчилар Нальчик шаҳрида «Автомобилист» командаси билан ўйнаб, ҳисобни дуранг 0:0 қилишгач, учинчи ўринга тушиб қолишди. Шунингдек, яна уч команда 10 тадан очко тўплади. Кутаисилик торпедочилар Харьковнинг «Металлист» командасига жавобсиз икки тўп киритиб ғалаба қилишган бўлса, донецклик шахтёрлар ленинградлик динамочиларни йирик ҳисоб — 4:0 билан ютишди.

Бу ғолиб командалар қатори «Пахтакор» ҳам илгари хабар берилгандек, ўз майдонида кишинёвлик футболчиларни енгиб (2:0) очколарини 10 тага етказди. Баравар очко тўплаган командаларни бугун фақат киритилган ва қўйиб юборилган тўплар нисбати бир-биридан ажратиб турибди. Пахтакорчилар ўз ўрнида — тўртинчи бўлиб қолишди. Кутаисининг «Торпедо» командаси эса биринчи ўринга чиқди. Донецклик футболчилар эса иккинчи бўлиб туришибди. Қолган ўйинлар қуйидагича ўтди: «Спартак» — «Текстильщик» — 2:1, «Олга» — «Кривбасс» — 4:0, «Помир — «Металлург» — 2:1, «Строитель» — «Черноморец» — 0:2, «Уралмаш» — «Шахтёр» — 1:1.

### Гимнастикачилар ютуғи

Ғарбий Германиянинг Швебиш-Гмюнд шаҳрида гимнастика бўйича халқаро турнир мусобақалари ўтказилди. Гимнастика ўйинларида ГФР, Канада ва СССРдан кучли гимнастикачилар ўзаро куч синашдилар. Мусобақада совет спортчилари дуруст натижаларни қўлга киритишди. Команда ҳисобида совет командаси биринчиликни эгаллади. 2—3-ўринлар ГФР ва Канада командаларига насиб этди. Шахсий биринчиликни гроднолик Ольга Корбут олди. Ольга жами 77,35 очко тўплаб, дугоналаридан ўзиб кетди. Воронежлик Любовь Бурда билан грознийлик Людмила Туришевалар иккинчи ва учинчи ўринларни олдилар. Мусобақада иштирок этган ўзбекистонлик гимнастикачи Эльзира Саади 74,45 очко тўплаб, бешинчи бўлди.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТАЯНЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
1972—1973 ўқув йилининг кундузги ва сиртқи бўлимларига (сиртқи бўлимга фақат агрономия мутахассислиги бўйича): агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ер тузилиши мутахассисликлари бўйича

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 30 ЕШГАЧА ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР ТУЛИҚСИЗ ЎРТА ВА ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 йиллик маълумот билан кирганларга 3 ярим йил 10 йиллик маълумот билан 2 ярим йил (сиртқи бўлимда 4 ярим йил ва 2 ярим йил).

Тўлиқсиз ўрта мактабни ёрлиқ билан ва тўлиқ ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тамомлеганлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Колхоз ва совхозларнинг йўллачмаси билан 2 йил иш стажига эга бўлган ва танланган мутахассислик бўйича ишлаётганлар, Совет Армияси сафидан қайтиб келганлар ва Улуғ Ватан урушида қатнашганлар маълум даражали енгилликлардан фойдаланадилар.

Техникум қошида «колхоз ва совхоз раҳбар ходимлари»ни тайёрловчи махсус бўлим бўлиб бу бўлимга область, район қишлоқ хўжалик бошқармалари ва колхоз, совхоз йўлланмаси билан шу мутахассислиги бўйича камида 2 йил ишлаган 35 ёшдан ошмаган, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганларни қабул қилинади.

Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 2 йил.

Махсус бўлимга қабул қилинганларни асосий иш жойларидан оладиган ўртача иш ҳақи ,стипендия билан биргаликда 100 сўмдан ошмаган ҳолда сақланади.

Ўқишга кириш учун ариза директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси) таржимаи ҳоли, медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Аризалар тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан 1 июндан 31 июлгача; ўрта маълумотлилардан 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Сиртқи бўлимга аризалар 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 14 декабргача ўтказилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: ўзбек ёки рус тилидан диктант математика (оғзаки), ер тузилиши бўлимига кирувчилар (тўлиқ ўрта) маълумотлилар (ўзбек тили ёки рус тили иншо), математика (оғзаки), агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларига кирувчилар: ўзбек тили (иншо), химия (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАНЛАНГАН АСОСИЙ КАСБДАН ТАШҚАРИ, ҚЎШИМЧА ТРАКТОРЧИ, ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИНИ ҲАЙДОВЧИ ВА ҲАВАСКОР ШОФЕРЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ҲАМ БЕРАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент 128, Парашютчилар кўчаси, 17-уй (8, 10, 14, 49-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбуслар, 10-трамвай), телефонлар: 44-53-23, 44-53-22.


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Биз Ильич набиралари. 18.40 — Ижтимоий фанлар — жанговар қуролимиз. 19.00 — Футбол: «ПАХТАКОР» — «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса). 20.45 — Ахборот. 20.55 — Гаровга тикилган ҳаёт, (бадиий фильмнинг 12-серияси). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ўзбекистон чорвадори». 23.00 — Ҳонадон ва унинг соҳиби (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Меҳнат қўйлари. 19.00 — Шу куннинг созандалари. С. Прокофьев. 20.00 — Телетомошабинларнинг саволларига «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. Жуков жавоб беради. 20.30 — Қишлоқ изнуварн (бадиий фильм). 22.00 — Иртиш одимлари. 22.30 — Москва юлдузлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Спорт мусобақалари. 21.00 — Тўлқинда — 02. 21.30 — Эстрада концерти.

## РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 9.30 — «Ер ва эл». 10.10 — Ўзбек киноси куйлари. 11.15 — «Коммунистлар мусобақа илғорлари (русча). 11.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 12.25 — Ёш композиторларнинг асарлари. 13.30 — А. Скрябиннинг фортепьяно пьесалари. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Б. Зейдманнинг «Кулиб турган киши» балети ҳақида музикали эшиттириш. 18.00 — Илмий-атеистик темаларда, суҳбат. 18.10 — Ғижжак тароналари. 19.20 — Талабларингизга мувофиқ концерт (татарча). 20.00 — Футбол: «ПАХТАКОР» — «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса). 21.00 — Қардош социалистик мамлакатларда. 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 21.40 — Миллионлар ленинча университети. 22.30 — Ж. Жабборов, «Гулшан», (радиоинсценировка).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да Анда, 13/V да Чио-Чио-Сан, 14/V да Севилия сартароши (кундузи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да Парвоз, 13/V да Аяжонларим, 14/V да Олтин девор (кундузи), Шоҳ Эдип (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/V да Хотинимнинг эри, 13/V да Ешликда берган кўнгил.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Озарбайжон ССР цирки усталарининг гастроллари (кеч соат 7 яримда; шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

## КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Лорд Байрон Джонснинг озод қилиниши — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Метелло — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

Ҳаётга қайтиш — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Метелло — «ФЕСТИВАЛЬ».

Лорд Байрон Джонснинг озод қилиниши — «ХИВА».


ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ташкилий-методик бўлим мудири:

патоморфология лабораториясининг мудири (медицина фанлари кандидати);

бўлимлар бўйича катта илмий ходимлар: ташкилий-методик (2 ўрин), клиник онкология (2), рентгенорадиология (3), медицина фанлари кандидатлари;

бўлимлар бўйича кичик илмий ходимлар: клиник онкология (4), рентгенология (4), экспериментал онология (2).

Конкурс муддати — эълон чиқкан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чигатой кўчаси, 383-уй.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда ишлар мудирлиги Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари А. И. Акбаровга онаси

**Маъсуда АКБАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон журналистлар Союзи правлениесининг секретариати Ўзбекистон журналистлар Союзи правлениеси аъзоси А. И. Акбаровга онаси

**Маъсуда АКБАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти коллективи институт проректори, доцент М. Сайдаматовга онаси

**Латофатхон МАДИХОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — 336545, Редактор ўринбосар лари — 337914, 330.683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258 Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий яшаш ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 110. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02438.